



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
3 февраль
ШАНБА
№ 10
(11.917)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ИНСОНПАРВАРЛИК ДАСТУРИ

Эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан оғишмай бораётган мустақил юртимизда кўламли ишлар аниқ, мақсадли режа асосида амалга оширилиши мана 15 йилдирки, ўз самарасини бермоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилнинг мантиқий давоми сифатида Ижтимоий ҳимоя йили деб номланган жорий йилимиз ҳам том маънода инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш каби эзгу мақсадлар йўлидаги саноат ҳаракатлар билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида» қарори кенг жамоатчилик томонидан ўрганилиб, унинг изчил ижросига киришилди.

Тошкент Давлат аграр университетиде ўтказилган тадбир айнан ана шу мақсадга йўналтирилди. Унда сўзга чиққанлар «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури, унинг мазмун-моҳияти, инсонпарварлик интилишларини ифодаловчи дастуриламал эканлиги ҳақида фикр юритдилар. Асосий эътибор аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз қариялар ва боқувчиларни йўқотганларга қаратилиши лозимлиги таъкидланди. Бу борада университет маъмурияти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, қасба-кўмита томонидан мўайян ишлар амалга ошириладиганлиги айтиб ўтилди. Тadbир давомида бир қатор ўқитувчиларга, аспирант ва талабаларга қимматбаҳо соғвалар, университет қошида ташкил этилган сикаттоҳга бепул йўлланмалар тарқатилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига атаб тайёрланган катта концерт дастури намойиш этилди, спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.



Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмасида чорвачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш технологиялари, чорва молларининг наслини яхшилашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЧОРВАДОР УЧУН САБОҚ

Унда Германиянинг «Агрополис» фирмаси, Чорвачилик илмий тадқиқот институти олимлари, тегишли вазирлик, ташкилотлар ва идораларнинг мутасаддилари ҳамда вилоятлардан тақлиф қилинган фермерлар иштирок этди.

Чорвачилик ҳам бошқа соҳалар каби ўқув ва эътибор талаб этади. Унга қанча меҳнат сарфланса, маҳсулдорлик ҳам шунга яраша бўлади. Қорамолчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликларида айна пайт-

да нафақат хом ашё етиштириш, балки уни тайёр маҳсулотга айлантириш ишлари ҳам кенг йўлга қўйиллаётди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва зотдор қорамолларни кўпайтириш имкониятлари, шунингдек, хорижий давлатлардан наслдор чорва моллари олиб келишда божхона қондалари ҳамда зооветеринария хизмати талаблари билан танишдилар.

ЎЗА.

САҲНАДА ЎСМИРЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўсмирлар симфоник оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди. Концертда ўсмирлар симфоник оркестри томонидан юртимиз ҳамда жаҳон композициялар асарларидан намуналар ижро этилди.

ЎЗА.

ЛИЦЕЙДАГИ УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида «Аждодлар жасорати - авлодларга ибрат» мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Халқ таълими ва Мудофаа вазирликлари, Республика Маънавияти ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Истиқлол йилларида юртимизда миллий кадрлар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралиб, ҳарбий таълим тизими тубдан такомиллаштирилди.

Тадбирда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур сингари саркарда боболаримиз жасорати, эгаллаган

АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи тобора ортиб, жамият ривожининг барча жабҳаларида аёллар ўрни ва иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони улар фаолиятини тубдан янгиллаш ва юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.



Маълумки, бошланган йил юртимизда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йили дея эълон қилинди. Айтиш жоизки, қабул қилинган ва ижросига изчил қириштирилган йил дастурида жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, «Соғлом она - соғлом фарзанд»

ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш каби долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Айни шу мавзу теварагидаги мунозаралар Юртбошимизнинг юқорисида тилга олинган Фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишлари дастурининг бажарилиши юзасидан Бўка туманида доимий ишловчи комиссия йиғилишида ўртага ташланди.

Йиғилишни вилоят ҳокими вази-



фасини бажарувчи Зиёвуддин Нийёзов олиб борди.

Вилоят ва Бўка туманидаги доимий ишловчи комиссия аъзолари, мутасадди муассаса ва ташкилот вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда комиссия фаолияти атрофлича таҳлил қилинди, йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар рўй-рост очиб берилди. Шу билан бирга йил дастури ижросига ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан киришиш, белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндошиш, бунда мутасадди раҳбарлар жавобгарлигини кучайтириш юзасидан аниқ тақлифлар айтилди.

Йиғилишда ҳақиқат танқид қилинганда, туманда хотин-қизлар кўмитаси, қатор жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилуш идоралари томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, мавжуд муаммоларни изчил бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли эмас. Таҳлиллар туманда аёллар

ўртасида жиноятчилик ортиб, нотинч оилалар кўпаяётганини кўрсатмоқда. Бунинг сабабларини атрофлича ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли идоралар зиммасига аниқ кўрсатмалар юқланди.

Худди шундай доимий ишловчи комиссия йиғилиши Янгиўл шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Таҳлил ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган бу йиғилишда мавжуд камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари ҳусусида сўз борди. Жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилуш идоралари раҳбарларининг ахбороти тингланган. Ишда камчиликларга йўл қўйган ва вазифасига масъулиятсиз ёндошган бир қатор идора раҳбарлари огоҳлантирилди.

Ҳар иккала йиғилишда ҳам республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Уларда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СИФАТЛИ УРУҒЛИК ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Кейинги йиллар вилоятимизда қишлоқ ҳўжалигининг энг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачилик бўйича юқори самарадорликка эришишнинг ўзига хос тажриба даври бўлди, дейиш мумкин. Деҳқонларимизнинг омилкорлиги, анчайин мураккаб саналган ғўза агротехникаси талабларига оқилона ёндошилганлиги, техника, ёнилғи, ўғит таъминоти рисоладагидек йўлга қўйилганлиги боис, икки йилдирки, пахтакорларимиз юзи ёруғ, ҳосилимиз баракали бўлмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, истиқболли ғўза навларини танлаш, деҳқонларимиз синовидан ўтган, шароитбоп уруғлини тегишлича жойлаштириш, ҳосил етиштириш чора-тадбирларини бошиданок аниқ-пухта белгилаб олиш юқори самарадорлигининг дастлабки муҳим омилларидан биридир.

Ана шу мақсад ва вазифалар изчиллигини таъминлаш, ғўзанинг тезпишар, юқори ҳосилли, толаси жаҳон андозалари ва талабларига тула жавоб берадиган навларини танлаш ва жойлаштиришга қаратилган «2007 йилда пахта етиштиришнинг прогност ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида» вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мавсумда вилоят бўйича 108 минг гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Асосий уруғлик сифатида кўп йиллардан бери деҳқонларимиз синовидан яхши ўтиб келган С-6524, Наманган-77, Ан-Боёв-2 чигит навлари танланди. Туманлардаги 13 та пахта тозалаш корхоналарида 25 февралга қадар етарли уруғлик захирасини тайёрлаш, чигитни саралаш ва дориллаш учун барча чоралар кўриляпти. Уруғлик чигитни дориллаш учун пахта тозалаш корхоналарида кимёвий воситалар учун етарли маблағлар ажратилиб, таъминотчи корхоналар томонидан шартнома асосида зарур препаратлар узлуқсиз етказилмоқда. Хусусан, Ўртағичиқ ту-

манидаги «Ҳакипет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси жамоаси ҳам 2007 йил ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни дамда корхонада иш қизғин. Уруғлик пахтадан олинган чигитларни саралаш ва зарур кимёвий препаратлар билан дориллаш ҳамда туқсизлантиришни белгиланган муддатдан кейинмай, сифатли адо этишга ҳаракат қилинмоқда.

Бизда қайта ишланган уруғлик чигит асосан Пскент, Ўртағичиқ ва Куйичирчиқ тумани деҳқонларига етказиб берилди, дейди корхона раҳбари Абдукарим Тошматов. Улар эҳтиёжи ва вилоятимиз захира фонди учун 2000 тоннага яқин уруғлик чигит тайёрлаб беришни режалаштирганмиш. Ҳозиргача унинг асосий қисми тахт қилиб қўйилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА:

корхонада уруғлик чигитга ишлов берилмоқда.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида «Битирувчи - 2007» ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик, идора, ташкилот, кўмита, илмий-тадқиқот институтлари ва бирлашмалари, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари вакиллари ва талабалар иштирок этди.

ТАНИШУВ ЯРМАРКАСИ

«Битирувчи - 2007» ярмаркасида пойтахтимиз ва вилоятларда фаолият юритаётган қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология, иқтисодиёт, энергетика сингари соҳаларга ихтисослашган ўнлаб корхоналар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари талабаларга ўз фаолият йўналишларига оид маълумотларни тақдим этди.

Мен сув ҳўжалиги соҳасида ишни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнини янада такомиллаштириш мавзuida илмий излашни олиб бораётган, деди Тошкент ирригация ва мелiorация институтини экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси 2-курс магистри Абдуллатиф Назаров. Мазкур ярмаркада сув ҳўжалиги соҳасига ихтисослашган кўллаб идора, ташкилот ва илмий-тадқиқот институтлари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим.

(ЎЗА).

Фармон Ва ижро

Тағбир ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИАТ

Зангиота туманида иш билан таъминлаш, аёллар бандлиги масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда шахар ва туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, меҳнат биржаси ходимлари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси аъзолари ҳамда бир қатор тадбиркор аёллар иштирок этишди.

Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Раъно Тўраева оиладаги маънавий муҳитни яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда тўпланган тажрибалар ҳусусида сўз юритди.

Ўтган давр мобайнида маслаҳатчилар билан биргаллик ҳар бир маҳаллада ишсизлар аниқланди. Меҳнат бўлими билан ҳамкорликда уларнинг иш ва ўқишга мойиллиги ўрганиб чиқилди. Шунга асосан Хонобод, Эркин, Ўртаовул, Ўзғариш қишлоқларида «Машҳура» фирмасининг филиаллари, «Ойла маликаси» ўқув марказлари очилди. Уларда 17 йўналиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилди. Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида чет эл инвесторлари жалб этилиб, фойдаланилмаётган бўш биноларда қўшма корхоналар таш-

кил қилинди. Ҳозир бу корхоналарга 300 нафардан зиёд хотин-қиз ишга олинди, болалар трикотаж ва махсус кийимларини тикиш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Маҳсулотларнинг аксарияти хорижга экспорт қилинмоқда. Биргина майизни қайта ишлаш корхонаси эндиликда 7 хорижий мамлакатга шартнома асосида маҳсулот етказиб бера бошлайди.

Тадбирда меҳнат бўлими ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмаси раҳбарлари аҳолини иш билан таъминлаш, хотин-қизларни, айниқса, ёшларни турли касб-хунарларга ўқитиш, қасана-чилик ҳаракатини кенгайтириш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу йил яна 2 минг 300 янги иш ўринларини ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган саноат-ҳаракатлар ҳусусида сўз юритдилар.

Саид ҲАСАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 12 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги муваққат конвенциясига оид Киото протоколини ратификация қилди. Мазкур ҳужжатда бўғланиш тўғайли атмосфера қатламига салбий таъсир қиладиган газларнинг чиқарилишини чеклаш механизмлари белгиланган.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Муссаффо ривожланиш механизми бўйича Миллий органи ташкил этилди. Ушбу вазифа Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юқлатилди. Бу орган Муссаффо ривожланиш механизми бўйича тақлиф этиладиган сармоявий лойиҳаларни ўрганиб чиқади, саралайди, маълумлаш ҳамда мониторинг қилиш учун Идораларо кенгаша тақдим этади. У БМТ Иқлим ўзгариши

тўғрисидаги муваққат конвенциясининг Котибияти ҳузуридаги Муссаффо ривожланиш механизми Ижроия кенгаши билан ҳамкорликда фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси Вакиллар Маҳкамасининг 2007 йил 10 январдаги қарори билан Киото протоколининг Муссаффо ривожланиш механизми доирасида Сармоявий лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш ва Муссаффо ривожланиш механизми бўй-

ча лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги ташаббуси билан Жаҳон банки ҳамкорлигида мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва корхона раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун семинар ўтказилди. Унга Жаҳон банкининг Муссаффо ривожланиш механизми лойиҳаларини амалга оширишда амалий тажрибага эга юқори малакали мутахассислари жалб қилинди.

(ЎЗА).

Семинар мавзуси:

СОҒЛОМ ОИЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган "Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги қарор"ни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЕ) органлари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклатди.

Ўзбекистон Адлия вазирлигида ФХДЕ органлари ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда шу ҳақда сўз борди. Тизимнинг масъул ходимлари иштирок этган тадбирда бу йўналишдаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий-маориф тизимини ташкил этди. Вилоят партия кенгаши унинг доирасида ўтказган навбатдаги машғулот «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий мафкурасининг негизи сифатида» мавзусига бағишланди. Бу сиёсий ўқувда шаҳар ва туман партия кенгашларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари, виллоят кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партиянинг хотин-қиз-

лар ва «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари, маънавият ва маърифат марказлари раислари, айрим виллоят ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Ўқув Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари доктори Шарбат Абдуллаеванинг «Миллий ғоя ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифалари» мавзусидаги маърузаси билан бошланди.

Вилоят ҳокимининг маъ-

Партия ташкилотларига

БУГУННИНГ
ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий-маориф тизимини ташкил этди. Вилоят партия кенгаши унинг доирасида ўтказган навбатдаги машғулот «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари» мавзусига бағишланди.

Ўқув Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари доктори Шарбат Абдуллаеванинг «Миллий ғоя ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифалари» мавзусидаги маърузаси билан бошланди.

Вилоят ҳокимининг маъ-

туриб, одамлар қалбига йўл топиш, янгилаётган жамият тамойилларини, ватанпарварлик, озод ва обод Ўзбекистон учун ифтихор туйғулари уларнинг онига чуқур синдириш мумкин эмас. Бевосита фикр алмашув, атрофда баҳс-мунозара семинар иштирокчиларига кўп масалаларни ойдинлаштириш олиш имконини берди. Фаолларга партия аъзолари, аҳолининг кенг қатламлари орасида мафкураларни ишларни кучайтириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Жўрабек МУРДОВ.

Ислохотлар амалга

Вилоятимизда корхона ва иншоотларни давлат тасарруфидан чиқариш, уларни хусусийлаштириш, давлат улушларини тадбиркорларга сотиш жараёни давом этмокда. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор объектларни хусусийлаштиришда инвестиция киритиш шартли билан тадбиркорлар ихтиёрига бепул топшириш тартиби амал қилмокда. Хусусийлаштириш жараёнининг бундай ен-

гиллаштирилиши иншоотлар харидорлари кўпайишига олиб келмокда. Шу мақсадда ўтказилаётган тендерлар, ким-ошди савдолари инвесторларнинг ночор аҳолига тушиб қолган корхоналарни қайта тиклаш имкониятини аниқлашда кўл келмокда. Бунда маҳаллий инвесторлар ҳам фаол иштирок этаётганлиги диққатга сазовордир.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ
ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ
ФАОЛИЯТНИ
ДЕМАКДИР

2006 йилда сармоядорлар билан 2,5 миллиард сўмдан ортиқ инвестициялар киритиш шартли билан ўнлаб шартномалар тузилди. Натижада қатор паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар ишида ижобий силжишлар юз берди. Қувонарлиси, кўпчилик инвесторлар шартнома бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришга қатъиярқаб қарор қилди. Ҳозир қарордаги белгиланган чора-тадбирларни вақтида ва бекум кўст амалга оширишга эришмокда. Бундан ташқари мониторинг натижалари ҳам кўрсатмокда.

Олмаликдаги соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли эски ётоқхона биносини бепул олган тадбиркор шартнома мувофиқ 8,5 миллион сўм инвестиция киритишга ваъда берган эди. Амалда эса, у 30 миллион сўм сарфлаган. Бу маблағ ҳисобига бино ташкирланди, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, жакон андозаларига жавоб берадиган бошқа анжомлар сотиб олиб, ўрнатилди. Ҳозир унинг негизда янги хусусий шифохона ишлаб турилди. Бу ерда маалакли шифокорлар беморларни қабул қилмокда.

«Пскент кино-видео» масъулияти чекланган жамияти ҳам узоқ вақт давомида ишламади. Иншоотни Б. Абдулҳаев тендерда қўл олди ва 58 миллион сўмлик сармояни муддатидан илгари киритди. Натижада кинотеатр фаолияти қиска вақтда қайта йўлга

қўйилди, тингловчиларни компьютерда ишлашга ўргатиш бўйича курслар, тренажер заллари ташкил этилди, озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи савдоси йўлга қўйилди.

Паркент туманидаги «Ирригатор» масъулияти чекланган жамиятнинг давлатга тегишли бўлган пайи 26 фоиз эди. Бу улуш сармоядорга берилди. Инвестор эса 50 миллион сўм маблағ киритиш бўйича зиммасига олган мажбуриятни барвақт бажарди. Бўш ётган ва узоқ вақт фойдаланилмаган бинода мева-ларни қуритиш ва қадоклаш ўзлаштирилди. Бозори қақон бундай маҳсулотлар республикамиз ва қисман Россия истеъмолчиларига етказиб берилмокда.

«23-ҳўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонаси» очик акциядорлик жамиятидаги давлат улуши бўлган 100 фоиз акциялар пакети ҳам реализация қилинди. Уни ихтиёрига олиб, қайта тиклашга бел болаган инвестор зиммасига 115 миллион сўм маблағ киритиш мажбуриятини олди. Инвестициялар ҳисобига эса 20 юк машинаси таъмирдан чиқарилди ва улар энди қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ташкида фермерлар ва аҳолига хизмат кўрсатмокда. Бу ерда қўшни автоҳўжалик транспортлари ва аҳолига қарашли автоуловлар ҳам таъмирдан чиқариляпти.

Бундай мулк эгаларига давлат томонидан қўмак берилмокда. Уларнинг бюджет ҳамда нобюджет жамғармалари олдидаги қарзлари

ҳисобдан чиқарилмокда. Акциялар пакетларини, технология асбоб-ускуналарини инвестиция мажбуриятлари сифатида сотиб олиш даромад ҳисобланмайдиган бундай корхоналар солиқлар ва пулли тўловлардан озод қилинаёпти.

Леким шуниси афсусланарлики, давлат томонидан катта имтиёзлар яратиб берилганига қарамай, сармоя киритиш мажбуриятини зиммаларига олган айрим тадбиркорлар бизнес режаларида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўймокда. Олди-сотди шартномаси бўйича шартларни бажаришга лоқайд муносабатда бўлаётган сармоядорлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, Бўка тумани босмаҳонаси, Янгийўлдаги «Биокимёзавод» очик акциядорлик жамиятига қарашли ёрдамчи ҳўжаликни бепул қўлга киритган сармоядорлар ўз мажбуриятларини бажаришни қўзиб келмокда. Олмалик шаҳридаги босмаҳона бўйича шартнома шартларини бузган тадбиркор билан эса битим бекор қилинди.

Корхона ва иншоотларни хусусийлаштиришдан қўзланган асосий мақсад бекор ётган объектлардан оқилона фойдаланиш, уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги ишчи ўринлари барпо этиш ва шу тариқа аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш эканлигини унутмаслик лозим.

Мирсоби
МИРХАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Тарағгу

Қиш чилласи чиқими, баҳорги ишлар бошланди деяверинг. Айниқса, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳаракатлари кенг авж оладиги, шаҳар ва қишлоқлар яна чирой очади. Шу мақсадларни кўзлаган олмаликликлар Наврўзолди яратувчилик ва ободонлаштириш ишларини бошлаб юбордилар.

— Баҳорда бажариладиган ишлар юзасидан аниқ режа ишлаб чиқилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими раиси Бахтиёр Шоматов. — Ишни ариқ-зовурларни қазонлардан тозалашдан бошладик. Тўплан-

минг сўмлик иш бажарилади. 3 миллион 638 минг сўмлик мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади.

Маҳалла кўмиталари идораларини таъмирлашга бу йил 10 миллион 430 минг сўм маблағ ажратил-



дастурни доирасида шаҳримиздаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила-ларга, беморларга эътиборни қўяйтириш, ҳолидан ҳабардор бўлиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, байрам кулларига совға-саломлар билан йўқлаш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади, — дейди Б. Шоматов. — Зеро, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатларига, ижтимоий фаронглик қадим хизмат қилади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.СУРАТДА:
ободонлаштириш ишларидан лавҳа.МАҚСАД
ШАҲАРНИ
ОБОД ҚИЛИШ

ган чиқиндиларни ташиб чиқаришда шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар транспорт масаласида катта ёрдам кўрсатмокда.

Хар бир маҳалла аҳолиси ўз ҳудудидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига киришди. Жумладан, янги гулзорлар, боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, жамғарма кучи билан қўчаларни асфальтлаш бўйича 83 миллион 864

ган. Олмалиқовул, Муқимий маҳалла кўмиталари янги бинога эга бўлидилар. Ойдин, Камолот маҳаллалари ҳудудидан янги гузар қурилади. Даҳалардаги мавжуд болалар ўйин майдончалари ҳашар йўли билан таъмирланди.

Дарҳақиқат, ҳамкорликда гап кўп. Хар жабҳада асосий кўч ҳисобланган маҳалла аввало атрофига бирилшган жамоатчилик билан иш кўради.

Утган йили шаҳарда хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими бўлими,

«Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Шаҳар марказининг бир қатор маҳаллаларида «Ёшлар хийбони», бепул компьютер хизматлари ташкил этилди. Маҳаллаларда ўтказилган спорт мусобақалари эса аёллар, ёшлар ва оилалар ўртасида қўчаларни аниқлаб берди. Бу йил ҳам шу йўналишлар доирасида белгиланган режалар, вазифалар талайгина.

— «Ижтимоий ҳимоя йили»

Истеъмолчи

«НОГИРОН
СТОЛ»НИНГ
ТАЪМИРЛАНИШИ

Манзура опа — орзу-ҳавасли аёл. Кўп вақтдан буён рангли телевизор олишни дилига тугиб юрарди. Оиладан, рўзгордан орттириб, бир-икки сўм ҳам жамғариб қўйганди. Ниҳоят, орзудаги буюм хонадон тўридан жой эгаллади.

Бир кун эрталаб Манзура опа сеvimли кино сериалини кўриш мақсадида телевизорни ёкди. Не кўз билан кўрсинки, ойнаи жаҳоннинг экранни қип-қизил рангда эди. Устига устак, овози ҳам чиқмасди. Бундан аёлнинг фигони ошди. Шу кунёқ телевизорни харид қилиб олган дўконига борди. Сотувчи йилит аёлнинг арзини эшитиб: «Мен ҳеч нарсани билмайман, сизга мол сотган йилитлар бу ерда йўқ. Сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман» дея жавоб қайтарди. 285 минг сўми кўкка совурилганлигини аниқлаган истеъмолчи бошини қаерга юришни билмай қолди. «Инсофга келиб қолсангиз» дея иккинчи бор ўша «истеъмолчи ҳуқуқи» деган тушулчани писанд қилмайдиганларнинг оstonасига бош уриб борди. Навбатдаги уриш ҳам бесамар кетди. Леким Манзура опа ҳақиқий кўчада қолдирадиганлардан эмас экан. Уйнай-уйлай, Янгийўл тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди.

Жамият ходимлари фуқаронинг аризасини ўрганиб чиқиб чоғида телевизор сотиб олинган 7-дўкон Тошкент шаҳри «Чилонзор» буюм бозори ҳудудидан жойлашганига маълум бўлди. Шу боис тумандагилар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига виллоят ҳудудий бирлашмасига амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб, мурожаат қилишди.

Гулбоҳор қишлоқ фуқаролар йиғини, Фан қўчаси, 6-уйда истикомат қилувчи фуқаро Манзура Турсуновага кўмак беришимизда у саклаб қўйган маҳсулот учун қағолат қўғози, сотиб олинганнинг тасдиқловчи чек нусхаси асқотди, — дейди виллоят ҳудудий бирлашмаси ижро-чи директори Фахриддин Солиев. — Истеъмолчининг ҳуқуқини тиклаш, унинг талабини қондириш ўз-ўзидан бўлган йўқ. Чунки, қўнун билан барча баробар ҳисоблашмайди-да. Леким биз охир-оқибат ўз мақсади-мизга эришдик. Қағолат муддати мубайнида яроқсиз ҳолга келган телевизор қайтариб олинди, янги-сига алмаштириб берилди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Пойтахтимизда «Ўзбекнефтогаз» миллий холдинг компанияси, Россиянинг «Лукойл Оверсиз», Малайзиянинг «Петронас», Хитой ва Жанубий Кореянинг нефть ва газ компанияларидан иборат сармоядорлари Консорциуми Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида маҳсулотни тақсимлашга оид битим кучга кирганлиги тўғрисида ҳужжатни имзоладилар.

БИТИМ
КУЧГА КИРДИ

— Консорциумнинг барча аъзолари лойиҳада тенг улушга эга, — деди «Ўзбекнефтогаз» миллий холдинг компанияси матбототи котиби Собир Салимов. — Мазкур лойиҳанинг амал қилиш муддати 35 йилга мўлжалланган.

Геология-кидирув ишлари икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда уч йил ичида сейсмик-кидирув ишлари олиб борилди. Бу ишларга ўз миллион АҚШ доллари-гача маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Яқинда Орол денгизининг сувли, ўтиш ва қирқок қисмида сейсμο-кидирув ишларини бажариш учун тендер эълон қилинди. Март ойининг ўрталарида уни якунига етказиш режалаштирилмокда.

Устуртда кейинги бир неча йил ичида саккизта газ конденсатли кон очилди. Минтақада ўтказилаётган бундай геологик тадқиқотлар Орол денгизининг улкан углеводород салоҳиятидан далолат. Таъкидланганича, келажакда бу ерда ўттиздан зиёид истикболли нефть-газ кони очилиши мумкин.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.


ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ — ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ГАРОВИ

Мамлакатимиз кучли демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, хилма-хил мулк шакллари-га асосланган бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлидан бормокда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок иқтисодиётини сиёсатдан устуворлиги тамойилига таянган ҳолда эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий муносабатларни ривожлантириш қарор қилинди. Зеро, бозор иқтисодиётини негизини ташкил этувчи, аёло даражада тақомиллаштирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик базасига мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин. Шунинг учун ҳозирги пайтда мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — тадбиркорлик муносабатларини ривожлантириш, тадбиркорларнинг

ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Бунга эришиш учун аввало инсонларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия каби асосий тушулчаларни шакллантириш зарур бўлади. Бу жараёни мактабдаги тарбия масканларидан тортиб олий ўқув юртларигача махсус ишлаб чиқилган давлат дастурлари асосида амалга ошириш мақсада мувофиқдир. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш учун ҳуқуқий тарбия берувчи мутахассисларни ўқитиш ҳуқуқшунослик соҳасидаги билим ва маалақаларини оширишга катта эътибор қаратиш лозим.

Бозор муносабатлари шаро-



Бугунги ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят бўлими ўз атрофига қўлаб соғлом фикрли ёшларни бириш-тирди. Бўка туманидаги касб-хунара педагогика коллежи талабалари ҳам маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, тарғибот ва бошқа йўналишларда олиб борилаётган тадбирларда фаол иштирок этишди. Ёшларнинг бўш вақтларини маъмули ва самарали ташкил этишда, уларнинг соғлом фикрли, юксак маънавиятли бўлиб шакл-

ланишида тажрибали, фидойи ўқитувчилар, устозларнинг хизмати беқеъс. Коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Лола Баҳодирова ёшларнинг нафақат устози, балки яқин дўсти, меҳрибон мураббийси ҳамдир.

СУРАТДА:

Лола Баҳодирова (чапдан иккинчи) талабалар билан.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Ўқув

МАЛАКА
ОШИРИШ
МАКТАБИ

Бозор муносабатлари шароитида фермер ҳўжаликларини бошқаришнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асослари-га эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Олий ва ўрта махсус касб-хунара таълими маркази томонидан ташкил этилган 20 соатлик малака ошириш курслари пачтаччилик, галаччилик, богдорчилик ҳамда сабзавотчиликка иқтисослашган фермерлар учун билим ва тажрибаларни ёйиш мактабига айлантирилди. Жумладан, Зангиота туманидаги Қишлоқ ҳўжалиги касб-хунара коллежиде фермер ҳўжаликлари раҳбарлари учун беш кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда Зангиота ва Қатортол қишлоқларида фаолият қўриётган 130 нафар фермер иштирок этди.

Қишлоқ ҳўжалигининг ҳуқуқий асослари, шартномавий ва молиявий муносабатлар, тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва тартиблардан тўғри фойдаланиш, ҳўқуқ ва мажбуриятлар ҳамда иш қўриштишга оид йўл-йўриқлар ҳўжалик раҳбарларида катта қизиқиш уйғотди.

Курс иштирокчилари шу каби машғулотларни мутахассислар қўмағида бевосита даладарда ташкил этиб, илгор ва ибратли тажрибаларни кенг ёйишнинг ниҳоятда муҳимлиги ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар ҳам билдиришди.

Фермер ҳўжаликлари раҳбарларига малака ошириш курсини таъинлаш тўғрисида сертификат ҳамда туман фермер ҳўжалиги уюшмасига аъзолик гувоҳномалари топширилди. Бундай ўқув машғулотларида туман бўйича жами 800 дан зиёид фермер малака оширди.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 5	СЕШАНБА 6	ЧОРШАНБА 7	ПАЙШАНБА 8	ЖУМА 9	ШАНБА 10	ЯКШАНБА 11
ЎЗБЕКИСТОН 1TV 15.00 «Тахлилнома». 15.45 «Ватанпарвар». 16.45 «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс. 17.15 Олтин мерос. 17.20 «Сиз кутган учрашув». 18.00 «Аёл ва жамият». 18.20 «Оҳанглар оғушида». 18.30 «Ошин». Телесериал. 19.00 «Аёло ўйинчи». Телелотерея. 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.20, 20.50 «Дунё иқлими». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 21.40 «Янги оҳанглар». 22.00 «Икки тақдир». Телесериал. 22.45 «Қўшигимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».	ЎЗБЕКИСТОН 1TV 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.35, 10.25, 11.10, 12.10, 14.15, 16.05, 17.10, 18.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.55, 23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида». 9.20 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобака. 9.20 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобака. 10.30 Д. Зокиров номидagi халқ чол-гулари оркестрининг концерти. 10.50 «Молия ва банк хабарлари». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими». 11.20, 20.05 «ТВ шифокор». 11.25, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 12.05 «Ягона оилада». 12.25 Навоий ривоятлари. «Шоҳ Ғариб Мирзо». 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал. 13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар. 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». 14.25 «Одамлардан бири». 15.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал. 15.15 «Оддий ҳақиқатлар». 16.10 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долларб масала». «Бизнинг кутубхона». 17.20 «Эркин иқтисодиёт». 17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор». 18.00 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». Телесериал. 19.10 «Омад зарлари». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 Эркин мавзу. 22.45 «Қўшигимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).	ЎЗБЕКИСТОН 1TV 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.35, 10.20, 11.10, 12.10, 13.00, 14.15, 17.55, 20.00, 21.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.45, 23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида». 9.10 «Қувноқ сартлар». Телемусобака. 9.10 «Қувноқ сартлар». Телемусобака. 10.40 «Чангалзор китоби». М/с. 10.20 «Табаррук замин». 10.50 «Молия ва банк хабарлари». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими». 11.25, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 11.55 «Дил таронаси». 12.05 «Ягона оилада». 12.25 Навоий ривоятлари. «Шоҳ Ғариб Мирзо». 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал. 13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар. 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». 15.10 «Дил таронаси». 15.15 «Оддий ҳақиқатлар». 16.10 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долларб масала». «Бизнинг кутубхона». 17.20 «Эркин иқтисодиёт». 17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор». 18.00 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». Телесериал. 19.10 «Омад зарлари». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 Эркин мавзу. 22.45 «Қўшигимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).	ЎЗБЕКИСТОН 1TV 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.35, 10.15, 11.10, 12.10, 13.00, 14.15, 17.55, 20.00, 21.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.45, 23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида». 9.15 «Цирк, цирк, цирк». «Баҳром ва Диплом». М/с. 9.50 «Алишер Навоий». 10.50 «Сизнинг адвокатингиз». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими». 11.25, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 11.55 Навоий ривоятлари. «Лутфий ва Навоий». 12.30 «Назм ва наво». 13.05, 22.05 «Икки тақдир». Телесериал. 13.45 «Эллик». 14.20 «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». 15.10 «Дил таронаси». 15.10 «Дил таронаси». 15.20 А. Навоий асари. «Искандар». А. Хидоят номидagi ўзбек драма театрининг спектакли. 16.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 17.15 «Саломатлик сирлари» дастури. 17.35, 18.20 «Хазрат Навоий». 17.55 «Минг бир ривоят». 18.00 «Хидоят сари». 18.40 «Ошин». Телесериал. 19.10 «Оҳанглар оғушида». 19.15 «Бизнес янгиликлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 «Бекат». 22.50 «Қўшигимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00 «Сўнгги соғва». Б/ф.	ЎЗБЕКИСТОН 1TV 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.35, 13.00, 14.15, 17.00, 18.25, 20.00, 21.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.45 «Олтин тож». Телевизион уйин. 9.20 «Шифокор қабулида». 9.40 «Музыка дунёси». 10.00 «Рангинкамон». «Дидар». 10.40 «Минг бир маслаҳат». 11.00 «Оналар мактаби». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 11.55 «Дил таронаси». 12.00 «Заковат». 13.05 «Икки тақдир». Телесериал. 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими». 14.20 «Одам — амфибия». Бадий фильм. 15.50 Ватан ҳақида қўшиқ. 16.00 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобака. 16.05 «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 17.05 «Олтин бешик». 17.35 «Одами эрсанг». 17.55 «Оҳанглар оғушида». 18.05 «Саломатлик сирлари». 18.30 «Мехр кўзда». 19.10 «Сизнинг адвокатингиз». 19.15 «Суперлото». Телелотерея. 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 21.40 «Кўнгил қўшиқ истади». 22.05 «CINEMA.UZ». 22.30 «Қўшигимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 22.45 «Орзулар изтироби». Бадий фильм.	ЎЗБЕКИСТОН 1TV 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.35, 10.55, 16.40, 18.30, 21.45 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.45 «Билмасвой ва Барабас». М/ф. 10.00 «Саломатлик сирлари». 10.20 «Оила ришталари». Телесериал. 11.00 «Дам бу дамдир». 11.45 «Хажвия бисотидан». 12.05 «Янги оҳанглар». 12.30 «КиноТеатр». 12.50 «Кейт ва Лео». Бадий фильм. 14.45 «50х50». 15.35 Ватан ҳақида қўшиқ. 15.45 «Жиддий уйин». 16.45 «Олтин тож». Телевизион уйин. 17.50 «Оҳанглар идораси». М/ф. 17.50 «Оҳанглар оғушида». 18.00 «Калпок». 18.35 «Интеллектуал ринг». 19.20, 20.50 «Дунё иқлими». 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Ўзлонлар. 20.05 «Оддий ҳақиқатлар». 21.50 «Қўшна оҳанглар». 22.10 «Хаммаси яхши бўлади». Бадий фильм.	
ЁШЛАР 6.00, 14.30 Янги тонг. 8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с. 9.20 Journal. 9.40 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». 9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим. 10.00 Давр ҳафта ичида. 10.30 Эрта сўнган юлдузлар. 11.00 Жаҳон киноси: «Сехрланган Элла». 12.40 Ўсмирлар симфонияси. 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр. 13.15, 16.15 Тафаккур нури. 13.20 «Навоий». Видеофильм. 14.00 ДаврА. 15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа». 15.40 Ҳазил мулки. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 «Олтин тулпор дуобади». Т/с. 18.30 Дипрабо. 19.45, 20.10 UZEX. 19.30 «Киш сонатаси». Т/с. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Отоҳлик — давр талаби. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с. 22.30 «Саломея». Т/с.	ЁШЛАР 6.00, 14.30 Янги тонг. 8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с. 9.20 Journal. 9.40 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». 9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим. 10.00 Давр ҳафта ичида. 10.30 Эрта сўнган юлдузлар. 11.00 Жаҳон киноси: «Сехрланган Элла». 12.40 Ўсмирлар симфонияси. 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр. 13.15, 16.15 Тафаккур нури. 13.20 «Навоий». Видеофильм. 14.00 ДаврА. 15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа». 15.40 Ҳазил мулки. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 «Олтин тулпор дуобади». Т/с. 18.30 Дипрабо. 19.45, 20.10 UZEX. 19.30 «Киш сонатаси». Т/с. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Отоҳлик — давр талаби. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с. 22.30 «Саломея». Т/с.	ЁШЛАР 6.00, 14.30 Янги тонг. 8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с. 9.20 Journal. 9.40 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». 9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим. 10.00 Давр ҳафта ичида. 10.30 Эрта сўнган юлдузлар. 11.00 Жаҳон киноси: «Сехрланган Элла». 12.40 Ўсмирлар симфонияси. 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр. 13.15, 16.15 Тафаккур нури. 13.20 «Навоий». Видеофильм. 14.00 ДаврА. 15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа». 15.40 Ҳазил мулки. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 «Олтин тулпор дуобади». Т/с. 18.30 Дипрабо. 19.45, 20.10 UZEX. 19.30 «Киш сонатаси». Т/с. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Отоҳлик — давр талаби. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с. 22.30 «Саломея». Т/с.	ЁШЛАР 6.00, 14.30 Янги тонг. 8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с. 9.20 Journal. 9.40 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». 9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим. 10.00 Давр ҳафта ичида. 10.30 Эрта сўнган юлдузлар. 11.00 Жаҳон киноси: «Сехрланган Элла». 12.40 Ўсмирлар симфонияси. 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр. 13.15, 16.15 Тафаккур нури. 13.20 «Навоий». Видеофильм. 14.00 ДаврА. 15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа». 15.40 Ҳазил мулки. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 «Олтин тулпор дуобади». Т/с. 18.30 Дипрабо. 19.45, 20.10 UZEX. 19.30 «Киш сонатаси». Т/с. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Отоҳлик — давр талаби. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с. 22.30 «Саломея». Т/с.	ЁШЛАР 6.00, 14.30 Янги тонг. 8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с. 9.20 Journal. 9.40 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». 9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим. 10.00 Давр ҳафта ичида. 10.30 Эрта сўнган юлдузлар. 11.00 Жаҳон киноси: «Сехрланган Элла». 12.40 Ўсмирлар симфонияси. 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр. 13.15, 16.15 Тафаккур нури. 13.20 «Навоий». Видеофильм. 14.00 ДаврА. 15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа». 15.40 Ҳазил мулки. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 «Олтин тулпор дуобади». Т/с. 18.30 Дипрабо. 19.45, 20.10 UZEX. 19.30 «Киш сонатаси». Т/с. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Отоҳлик — давр талаби. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с. 22.30 «Саломея». Т/с.	ЁШЛАР 6.00, 14.30 Янги тонг. 8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с. 9.20 Journal. 9.40 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили». 9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим. 10.00 Давр ҳафта ичида. 10.30 Эрта сўнган юлдузлар. 11.00 Жаҳон киноси: «Сехрланган Элла». 12.40 Ўсмирлар симфонияси. 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр. 13.15, 16.15 Тафаккур нури. 13.20 «Навоий». Видеофильм. 14.00 ДаврА. 15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа». 15.40 Ҳазил мулки. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 «Олтин тулпор дуобади». Т/с. 18.30 Дипрабо. 19.45, 20.10 UZEX. 19.30 «Киш сонатаси». Т/с. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Отоҳлик — давр талаби. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с. 22.30 «Саломея». Т/с.	
ТОШКЕНТ 1TV 17.55 М/ф «Морские псы». 18.05, 21.50 «Телекүрьер-маркет». 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.50 «Гадзальупе». Т/с. 19.30 «Музыка SMS». 19.50 «Будьте здоровы». 20.20 «Голливудская академия». Д/ф. 20.50 «Интервью». 21.00 «Жоизба». 21.25 «Эспайсизми, ёдингиздами?». 22.10 «Аёл қалби». 22.50 Кино «Горбун».	ТОШКЕНТ 1TV 7.30 «Здравствуй, Ташкент!». 8.30, 10.00, 10.45, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гадзальупе». Т/с. 9.15, 21.25 «Эспайсизми, ёдингиздами?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекүрьер-маркет». 9.40 «Аёл қалби». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25 «Будьте здоровы». 10.35, 20.50 «Интервью». 10.50 Кино: «Горбун». 17.55 М/ф «Морские псы». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино: «Правила съема метод хитча».	ТОШКЕНТ 1TV 7.30 «Здравствуй, Ташкент!». 8.30, 9.50, 11.20, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гадзальупе». Т/с. 9.15, 21.25 «Эспайсизми, ёдингиздами?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекүрьер-маркет». 9.40 «Аёл қалби». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25 «Будьте здоровы». 10.35, 20.50 «Интервью». 10.50 Кино: «Горбун». 17.55 М/ф «Морские псы». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино: «Правила съема метод хитча».	ТОШКЕНТ 1TV 7.30 «Здравствуй, Ташкент!». 8.30, 9.50, 10.45, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гадзальупе». Т/с. 9.15, 21.25 «Эспайсизми, ёдингиздами?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекүрьер-маркет». 9.40 «Келажакка интилиб». 9.55 М/ф «Букрининг сири». 10.45 «Экономическое-ревью». 11.20 Кино: «Оптом дешево». 17.55 «Афиша». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Саломат булинг». 20.20 «Коллизей». Научно-популярный фильм. 20.50 «Репортаж». 21.00 «Жоизба». 22.10 «Мэрифат фидойилари». 22.50 Кино: «Шанхайский полдень».	ТОШКЕНТ 1TV 7.30 «Здравствуй, Ташкент!». 8.30, 9.40, 10.55, 18.25, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.45 «Гадзальупе». Т/с. 9.15, 21.25 «Эспайсизми, ёдингиздами?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекүрьер-маркет». 9.45 «Дилкаш наволар»: Н. Абдуллаева. 10.10 «Мэрифат фидойилари». 10.25 «Саломат булинг». 10.35, 19.25 «Музыка SMS». 11.00, 17.55 «Афиша». 11.10 М/ф «Астерикс и Викинг». 12.20 «Репортаж». 12.30 Кино: «Шанхайский полдень». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.45 «ИИВ хабарлари». 20.20 «У камина». 20.50 «Интервью». 21.00 «Жоизба». 22.10 «Истеъдод».	ТОШКЕНТ 1TV 7.30 «Здравствуй, Ташкент!». 8.30, 9.40, 10.55, 18.25, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.45 «Гадзальупе». Т/с. 9.15, 21.25 «Эспайсизми, ёдингиздами?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекүрьер-маркет». 9.45 «Дилкаш наволар»: Н. Абдуллаева. 10.10 «Мэрифат фидойилари». 10.25 «Саломат булинг». 10.35, 19.25 «Музыка SMS». 11.00, 17.55 «Афиша». 11.10 М/ф «Астерикс и Викинг». 12.20 «Репортаж». 12.30 Кино: «Шанхайский полдень». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.45 «ИИВ хабарлари». 20.20 «У камина». 20.50 «Интервью». 21.00 «Жоизба». 22.10 «Истеъдод».	
СПОРТ 7.00 «Бодрое утро».<						

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН
«ТАШАББУС – 2007» КЎРИК-ТАНЛОВИ

2007 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус – 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказиш ташкилий кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

«Ташаббус – 2007» кўрик-танлови республика ташкилий кўмитаси томонидан тасдиқланган Низом асосида 3 босқичда ўтказилади: шаҳар ва туман босқичлари – февраль ойининг биринчи ўн кунлигида; вилоят босқичи – 24 февраль куни Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгарлар» саройида; республика босқичи – март ойининг учинчи ўн кунлигида.

«Ташаббус – 2007» кўрик-танлови қатнашчилари учта совринли ўрин учун қуйидаги йўналишлар бўйича давogarлик қиладилар:

«Энг яхши тадбиркор»

«Энг яхши фермер»

«Энг яхши хунарманд».

Шунингдек, ташкилий кўмита томонидан белгиланган номинациялар бўйича ҳам танлов ўтказилади.

Кўрик-танлов иштирокчиларига омад тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус – 2007» кўрик-танлови вилоят ташкилий кўмитаси.

1993 йил 12 апрелда Маршев Юрий Тимофеевич номига берилган 05-01/9860 рақамли хонадон-га эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

НАВБАТ
ЧЕМПИОНЛАР
ЛИГАСИГА

Пойтахтда МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари чемпионлари кубоги халқаро турнирида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бош совринни кўлга киритгани ва клубнинг 2007 йилги режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— "Пахтакор" жамоасининг галабаси ўзбек футбол учун катта муваффақият, — деди клуб вице-президенти Самвел Бабаев. — Хар қандай катта натижага осонлик билан эришиб бўлмайди, жамоанинг бу ютуғи машаққат, кўп йиллик меҳнат эвазига кўлга киритилди. Учрашувда жамоанинг ҳужум чизигида муаммолар борлиги ҳам айтиб ўтилди. Лекин бу камчиликларга қарамай "Пахтакор" жамоаси бирдамликни йўқотмай, олдида турган вазифани аъло даражада бажарди. Энди навбат Осиё чемпионлар лигасига. Гурӯҳда Саудия Арабистони, Кувейт ва Эрон чемпионлари қарши курашиш бош жамоамиз учун осон бўлмаслиги аниқ. Муҳими мавсум муваффақият билан бошланди. Тадбирда "Пахтакор" учун МДХ турнирида қўрилган тажриба қолаверса, 9 февраль кун Туркияда бошланган ҳафтани ўқув машғулотлари бўлажак масъулиятли беллашувларга кўмак бериши алоҳида таъкидланди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс".

«Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» вилоят филиали ташаббуси билан Ангрен шаҳрининг «Соғлом» маҳалласида «Маҳаллаамиз паҳлавонлари» ҳамда «Улоқ» мусобақалари ўтказилди.

Қизгин ва мurosасиз кечган баҳсларда ёш, ҳаваскор улоқчи спортчилар иштирок этишди. Мусоба иштирокчиларига ҳомийлар томонидан таъсис этилган совғалар тақдим этилди.



СУРАТЛАРДА:
мусобақадан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ОЛМАЛИҚЛИКЛАР БИРИНЧИ

Олмалик шахрида мотокросс бўйича вилоят очик биринчилиги бўлиб ўтди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар»

ташкilotи вилоят кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда 18 нафар спортчи қатнашди.

Рақибларини орта қолдирган олмалиқлик спортчилар биринчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Олим ЭЛЁРОВ.

Ҳаёт сабоқлари

ФИРИБГАРНИНГ ИСИТМАСИ



Тонг сахарда йўлга отланган Шаробиддин катта кўча бошида анча вақт туриб қолди. Аксига олиб онда-сонда ўтаётган машиналарда йўловчи тўла. Уч кун илгари ёққан қорнинг изгирини унинг этини жунжиқтириб юборди. Тоқатсизланиб, такси кута бошлади. Ниҳоят, узокдан елдек учиб келаятган «Тикон» кўрган, «Хайрият, бўш экан» деган ҳаёлда кўл қўтарди.

Агар иложи бўлса, сизни тушлик вақтигача банд қиламан, — деди у машинага ўтириб. Бу таклиф «Тикон» эгасига маъқул келиб, машинани Ша-

робиддин айтган манзил бўйича шоҳкўчадан елдириб кетди.

— Ҳокимиятда ишлайсизми дей-роҳининг бир-иккита

давлат идораларига кириб-чиққанини кўриб, йўл-йўлакай сўради хайдовчи.

— Кўринишимдан раҳбарга ўхшайманми? — деди Шаробиддин хандон отиб куларкан.

— Жуда ҳам ўхшаркансиз, — деди хайдовчи кулимсираб.

— Йўғ-э, ака. Бизнес билан шуғулланаман. Ҳамкорларим билан бирга турли вилоятлардан «КамАЗ»лаб юк олиб келиб, шу ерда улгуржи ўтказаман.

— Х-м-м-м, ишининг кўзини биларкансиз, — деди хайдовчи унга ҳавас

билан боқиб. У бояёқ дид билан кийинган, олифатина бу одамни «кўча кўрганлардан экан», деб ҳаёл қилганда.

Улар пешингача Шаробиддин айтган барча манзилларни айланишди.

— Икки минутга тўхтаиб турсангиз, — деди Шаробиддин ишларини битиргач, шаҳар касалхоналаридан бирининг олдида етгач. — Шу ерда яқин оғайим хасталаниб ётибди. Бирров кўриб кўй.

... Бирок орадан нақд икки соат фурсат ўтса ҳамки, у қайтиб чиқмади. Шаробиддин аллақачон бошқа дарвоза орқали жуфтаникни ростлаганди. Хайдовчи уни кута-кута ҳақиқий фарибга учраганини англади. Уша йўловчи салкам олти соат давомида унинг машинасида юриб, алдаб кетгани жуда алам қилди.

Шаробиддин эса ўзининг устамонлигидан ғоят

хурсанд бўлиб юрганди. Орадан икки кун ўтиб, унинг кенжотай ўғли каттик оғриб қолди. Вақт тун ярмига етганлиги учун кўчада катнов анча сийраклашган, ҳадеганда бирорта машина кўринмасди. Боз устига Шаробиддиннинг ўғли тинимсиз инграрди. Шу пайт бир машина ёнгинасига келиб тўхтади.

— Шаҳар болалар шифохонасига, фақат тезроқ, — илтимос қилди у. Беш-ўн дақиқа ўтар-ўтмас манзилга етиб келишди.

— Мана ака, каттакон раҳмат сизга, — у хайдовчига пул узатаётди, гўёки ток урган одамдай қалтираб кетди. У боласи билан андармон бўлиб, йўлда эътибор бермаган экан. Шаробиддиннинг қаршисида ўзи икки кун аввал пул бермай, алдаб кетган хайдовчи турарди. Такдир уларни ана бир-бирига рубаруб қилганда.

Нурилло НЎМОМОНОВ.

Суг залуган

ҚЎЙНИНГДАГИ ИЛОН

Ҳаёт — бебаҳо неъмат. Гоҳида унинг қадрига етиб-етмаймиз. Яшаш завқини, бахт сурурини турли ҳоҳовасларга йўямиз. Турмуш омилини қанчалик енгиллашгани, фан ва техника оламида ютуқлар кўлга киритилганига қарамай, айрим кимсаларнинг гаразли ниятлари туфайли нохуш воқеалар ҳамон рўй бериб турибди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, жиноятларнинг деярли ярми маст ҳолатда, қарийб тўртдан бир қисми эса, гиёҳвандлик моддалари таъсири остида содир бўлади. Лекин биз айтмоқчи бўлган жиноят спиртли ичимлик ичиш туфайли содир қилинмаган. Аксинча, ҳушёр бўла туриб, бир оила аъзоларини алдаш йўли билан жиноятга кўл урилган.

Дмитрий Ким ана шундай жиноятчилардан ҳисобланади. Д. Ким Хеден Лининг уйига келиб: «Мен уй-жойларни таъмирлайдиган хусусий фирмада ишлайман», деб унинг ишончига қиради ва уйда яшай бошлайди. Шу орада уй эгаси нарсаларини сотмоқчи бўлиб юрганидан фойдаланиб қилиш учун барча ёлгонларни ишга солади, «нарсаларни ўзим сотиб бераман» деб алдайди. Унинг хийлаларидан беҳабар хонандон соҳиби сотиладиган нарсаларни бериб юборди.

Жиноятчининг ошиғи олчи бўлиб, шошилганча Қўйлик бозорига йўл олади. «Днепр» русумли музлаткич, стол-стул, 2 та 20 метрлик темир трос, «Циклон» чанг ютиғичи, «Вятка» русум-

ли кир ювиш машинаси, мусика маркази каби жами 698 минг сўмлик буюмларни таниши Владимир Ханга пуллайди. Бу пулларни эгасига бермай, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Хеден Лини: «Бугун бозор бўлмаганилиги боис, буюмларни танишимниқига қўйиб келдим», дея алдайди.

Орадан кўп вақт ўтмай, эрхотинининг ишончига кириб олган Д. Ким ўзининг ваҳишона жиноятини амалга оширади. Ярим тунда Хеден Лининг ётоғига кириб, унинг бошига болта билан уради. Хеден Ли шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмади. Сўнгра у аёл ётган хонага кириб, дўқ қилиб, ундан пул талаб қилади ва эрини ўлдирганини айтиди. Бундан хабар тогган Ли хоним унга 800 минг сўм



пул беради. Жиноятчи пулнинг фақат 500 минг сўмини олиб, аёлга тонга қадар ҳеч қарға кўнғироқ қилмаслигини тайинлаб, деразадан чиқиб қочади.

Юз берган воқеалардан шошиб қолган Ли Валентина синглизига кўнғироқ қилиб, дарҳол милицияга хабар беришини илтимос қилади. Милиция ходимлари зудлик билан етиб келиб, жиноятчини кўлга олади.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят Ички ишлар
бошқармаси матбуот
маркази катта
инспектори.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Эълон ва билди-

рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун ре-
клама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.

Тошкент Фотосуратлар
уйида ўзбек-француз
фотоусталари ижодий
ишлари кўргазмаси
ташкил этилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Бадий академия ҳамда Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур кўргазма авиация мавзуга бағишланди.

Бу ердаги фото, видео ва

ҲАМКОРЛИКДАГИ КЎРГАЗМА

тасвирий асарлар машҳур француз адиби ва унвучиси Антуан де Сент Экзюпери-нинг «Жанубий почта» қиссасида қаламга олинган ғоя асосида танланган. Маълумки, бундан саксон йил муқаддам Экзюпери авиапочта хизмати командири сифатида Франциядан Африка қитъасига парвозларда иштирок этган. Ана шундай сафарлар натижасида учув-

чи кўрган-кечирганлари, уй-хаёлларини «Жанубий почта» асарида батафсил ҳикоя қилган.

Кўргазмада Турсун Али, Владимир Жирнов каби ўзбек фотоусталари билан бирга Шалва Хаханашвили, Арно Контрерас сингари француз фотожурналистларининг авиация, самолётсозлик, учувчилик қасбининг ўзига хос шарафли ва айни

пайтда машаққатли жиҳатлари акс эттирилган фотосуратлари билан танишиш мумкин. Ундан умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларининг мавзуга оид расмлари ҳам ўрин олган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ҳангома

ҒАНИЖОН АКАНИНГ
АРАБИЙ «БАХШИШ»И

Элимизнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистон Халқ артисти, аскияда сўзини бировга бермаган Ғанижон Тошматов «Муштум»чилар билан қадрдон эдилар. «Муштум» журнаliga тез-тез қадам ранжида қилар, ичакузди хангомалардан айтиб, димоғимизни чоғ қилардилар. Биз Ғанижон акани «огъаки өзүвчи» деб ҳазиллашардик. Негаки, у киши айтган хангомаларини қозоғга туширмас, ҳикояни тугатгач:

— Вассалом! Ана энди бу ёғи сизларга тан. Сочини темир тарақ билан тараб, эгнига бекасам тўн кийгизиб, учирма қилиб юборинглар! — деб кулардилар.

Нима бўлди-ю, Ғанижон ака анча кун кўринмай қолдилар. Беш кун ўтди, бир ҳафта, ўн кун... Безовта бўлиб, уйларига телефон қилдик.

— Дадамлар саёхатга кетганлар, — деди ўғилларидан бири.

— Қаёққа? Қачон?

— Бир ҳафтача бўлди. Адамасам, Миср томонларга кетдилар.

Кейин билсак, Ўрта ер

денгизи бўйлаб саёхатга йўлланма олиб, Одесса орқали Туркия, Греция, Миср сафарига жўнаб кетибдилар.

Табиийки, биз Ғанижон акани интизорлик билан кута бошладик.

Энди, ўзбек халқ достонларида айтилганидек, гапни Мисрдан эшитинг. Ғанижон ака Стамбулда икки кун, Афинада уч кун тўхтаб, ниҳоят, Искандария шаҳрига етиб келадилар. Искандария осори-атиқаларга бой кўна шаҳар. Уни Самарқанд билан тенгдос дейдилар. Ғанижон ака, кўли очик одам эмасми, давлат томонидан алмаштириб берилган пулларни аямай сарфлайверадилар. Набираларига, кўл остида ишлайдиган шогирдларига, яқин қадрдонларига совғасалом олиб, анча маблағлар ахраладилар. Шўро қоронлигига кўра чет элга бондириган кишига бир сикимгина хорижий пул берилар, рублларни мамлакатдан олиб чиқиш қатъиян тақиқланган эди.

Ғанижон ака сармоянинг ярмидан айрилиб, ниҳоят, Қоҳирага ҳам етиб оладилар. Қоҳирада одам қалин, ўша замондаёқ ўн миллионга етиб қолган. Нил бўйида ястаниб ётган бу шаҳар асосан уч тоифага бўлинган: бойлар, ўзига тўқлар ва бенаво-бечоралар. Ўзбек сайёҳлари шаҳар марказидаги эски ва арзон меҳмонхонага жойлашадилар. Каминана ҳам бир замонлар ана шу меҳмонхонада бир муддат яшаган эдим. Мезбонлар шаънига тегиб кетмаслик учун мен бу кўналганнинг таърифини келтириб ўтирмайман. Фақат у ерни меҳмонхона эмас, мусофирхона деса, арзийди дейиш билан чекланаман. Аслида биз ҳам немислар ё французларга ўхшаб шоҳона қасрларда турсак бўларди, лекин бунга чўнтагимиз чидамайди. Чўнтак касалини эса, юқорида айтганимдек, совет тузумининг риёкор қонунлари келтириб чиқарган. Яъни пулнинг бор-у, бу ерда сеники эмас, уйга борганда ўзиники ва ҳоказо.

Хуллас, саёхат яхши бошланади. Қоҳирада кўриб, лол қоладиган мўъжизалар кўп: ўша машҳур эҳромлар, миллий музей, калласи одамга, танаси шерга ўхшайдиган сфинкслар, жаҳонга машҳур Ал-Азхар диний доираларини... Ғанижон акага меҳмонхона рўпара-сидаги Ал-Ўзбакия хиёбони ёқиб қолди. Аввало унинг номи қулоққа хуш эшитилади. Уйингдан неча минг қақирим нарида, фавворалар бағрида жойлашган соя-салқин, тароватли манзил беихтиёр ватани ёдингга соларди.

Бир кун Ғанижон ака одатдагидек, фарғоналик ҳамюртлари билан қачқаллашиб ўтирган эдилар, кўл чўзиб бир гадо келди: — Ё муслим! Бахшиш... Тиланчининг ёнида иккита ёш боласи ҳам бор эди. Ғанижон ака уларга раҳм қилиб, беш-ўн танга бердилар. Тиланчи кетди. Ғанижон ака ярим белидан узилган сўхбатни энди уламоқчи эдилар, «бах-

шиш» деб тағин бир тиланчи пайдо бўлди.

Ғанижон ака кулди:

— Тошкентдан Ғанижон Тошматов деган бойвачча садак бергани келган, деб эшитган шекилли булар, — дедилар-у, майдароқ танга чўзилар тиланчига. Гадо дуо қилиб жўнади. Ғанижон ака энди огиз очмоқчи эдилар, ана кетма-кет иккита тиланчи кўринди. Ғанижон ака иргиб турдилар ва шимларининг иккала чўнтагини ағдариб кўрсатдилар:

— Мана, бахшиш йўқ, кўрдингми — бир тийин ҳам бахшиш қолмади! Мен ким бўламан, биласинми? Мен Халқ артистиман, ўзимга тўқ, бадавлатман! Тошкентда каттагина ҳовли-жойим бор, ҳовлида яп-янги «Волга» бор, ҳўв анави лаънати теплоходнинг капитанида бир машинага етгулик пулим ҳам бор! Лекин ҳозир гадоман! Ўз юртимда подшо эдим, сенинг элингга келиб, мен ҳам бахшишталаб бўлиб қолдим. Сенлар менга садак беринглар!

Ғанижон ака атрофга кўл чўзиб, қичқира бошладилар:

— Бахшиш! Менга бахшиш берингла-ар! Бахшиш!..

Ғанижон аканинг шериклари кулавериб, думалаб қолишди. Тиланчининг бошига ола дўппи қўндирган, савлатли, ясан-тусан кимсанинг «бахшиш!» дея кўл чўзиб турганини кўриб, тайсалладилар ва аста-секин ортларига чекиндилар. Хиёбонга одам тўпланаётганини эшитиб, дарров полициячилар пайдо бўлди. Улар қилишиб ўтирган кишилар хорижий сайёҳлар эканлигини билиб, изларига қайтиб кетишди.

Бу воқеани Ғанижон аканин ўзларидан эшитиб, роҳат қилиб қулишдик.

— Одамни ҳам шунақа хўрлайдими бу амалдорларингиз? — дедилар охири Ғанижон ака, — минг-минг сўмим бўлса-у, уни қамаб қўйиб, бермаса! Садақага ҳам пул тополмасанг. Тавба!

Хайрият, у замонлар ўтиб кетди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Кулганга
нима
етсин?

— Дўхтир, ҳеч озолмаппман, бир маслаҳат беринг, нима қилсам экан?

— Қақат қора икра есангиз, озасиз?

— Афандимизиз, қора икранинг килоси фалон сўм бўлса...

— Ха, баракалла! Қора икра гамида қанд-икки ой уринсангиз, қандай озганингизни билмай қоласиз.



Тошкент вилоятида ҳаво ўзгаритиш тўрада и ёнгингарчилик бўлмади, айрим жойларда ёмғир ёйиб, қорга айланиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12

метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, баъзи жойларда секундида 15-20 метрга етди. Кечаси ва кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгарити туради, ёмғир, қор ёғади.

Қор қўчиш ҳавфи бор. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етди. Хавонинг ҳарорати кечаси ва кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-139.

Адади 9587.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

① белгилли материаллар — тижорат материаллари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр қўрсатиш — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

2 3 4 5 6